

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**АБДУЛАЗИЗОВ Абдулвоҳид Ҳабибуллаевич**

*Наманган давлат университети*

*доценти, с.ф.н.*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14044899>

## ЁШЛАР ТАФАККУРИ ВА ДУНЁҚАРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

### АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда жамиятда долзарб ҳисобланган мутолаа маданиятини тафаккурни шакллантиришнинг асоси эканлиги ҳақида муаллифнинг ижтимоий - фалсафий нуқтаи назари баён этилган ва ёшларда мутолаа маданиятини ривожлантиришда кутубхона ва янги ахборот технологияларининг ўрни жараёнларининг аҳолини объектив таҳлил этишга ҳаракат қилинган. Ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш долзарблиги таъкидланган. Ушбу жараёнда кутубхона ва янги ахборот технологияларининг аҳамияти ҳақида фикр мулоҳазалар берилган. Ўзбекистонда мутолаага эътибор аждодларимиздан меърос эканлиги таъкидланган ҳолда, мутолаа ҳодисаси кам ўрганилган соҳалардан бири бўлиб, айниқса ўқувчи-ёшларининг мутолаа маданиятини ва инновацион тафаккурни шакллантириш масаласида янги ахборот технологияларининг ўрни яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги ҳақида хулоса берилади.

**Калит сўзлар:** сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, кутубхоналар ривожланишнинг янги босқичи, мутолаа институтлари, электрон ҳужжатлар, мутолаага эътибор, янги ахборот технологиялари, электрон воситалар.

## ЗНАЧЕНИЕ КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ В РАЗВИТИИ МЫШЛЕНИЯ И МИРОВОЗЗРЕНИЯ МОЛОДЕЖИ

### АННОТАЦИЯ

В статье описана социально-философская точка зрения автора на проблемы развития читательской культуры, которая считается актуальной в современном обществе, а также предпринята попытка объективно проанализировать состояние процессов роли чтения и новых информационных технологий в развитии инновационного мышления молодежи. Подчеркнута важность формирования и развития читательской культуры молодежи. Изложены мнения о значении библиотек и новых информационных технологий.

**Ключевые слова:** политические и экономические реформы, новый этап развития библиотек, читательские учреждения, электронные документы, внимание к чтению, новые информационные технологии, электронные средства.

## THE IMPORTANCE OF READING CULTURE IN THE DEVELOPMENT OF YOUNG PEOPLE'S THINKING AND OUTLOOK

### ANNOTATION

The article describes the socio-philosophical point of view of the author on the problems of the development of reading culture, which is considered relevant in modern society, and an attempt is made to objectively analyze the state of the processes of the role of libraries and new information technologies in the development of reading culture among young people. The importance of formation and development of reading culture among young people is emphasized. Opinions on the importance of libraries and new information technologies are presented.

**Key words:** political and economic reforms, a new stage in the development of libraries, reading institutions, electronic documents, attention to reading, new information technologies, electronic means.

### *Кириш*

Бугунги кунда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев анъанага содиқ қолган ҳолда, ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш давр талаби эканлигини таъкидлайди: “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз” [1].

Таълим-тарбиянинг муҳим жабҳаларидан бири - ёшларда мутолаа маданиятини такомиллаштириш ишларига эътибор етарлими, деган савол очик қолиб келмоқда. Ваҳоланки, мутолаа интенсивлигини ошириш билимли, маърифатли инсонларни тарбиялашнинг муҳим шарти, бунга эса, мутолаа маданиятини шакллантирмасдан эришиб бўлмайди. Бугунги кунда ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнини тизимий ўрганиш, мавжуд ҳолатни ва унинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш, хорижий тажрибаларни қўллаш имкониятларини кўриб чиқиш ва бунда миллий ўзига хосликларни эътиборга олиш зарурлиги аён бўлиб қолди. Ўқувчи-ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнларининг аҳволини ижтимоий-фалсафий жихатдан объектив таҳлил этиш куйидаги сабабларга кўра янада долзарб аҳамият касб этади:

- ёшларда мутолаа маданиятининг реал ҳолати махсус тадқиқотлар ўтказиш орқали етарли даражада аниқланмай келаётганлиги;

- мутолаа маданиятининг ўсмир-ёшларда шаклланиш ўзига хосликлари, муаммолари ва ечими йўллари ўрганилмай қолаётганлиги;

- мутолаа жараёнларини фаоллаштириш, уни умуммаданий тараққиёт концепциясининг узвий қисми сифатида баҳолаб ёндашишнинг талаб даражасида эмаслиги;

- мутолаа маданиятини ҳозирги замон илғор технологиялари электрон тизимлар, масофавий мулоқотларнинг бугунги даражалари билан мувофиқлаштириш заруратининг ошганлиги;

- таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг Ўзбекистонда баркамол шахсни таркиб топтиришга масъул бўлган муассасалар сифатидаги мавқеини муносиб баҳолашга доир ижтимоий-фалсафий заруратнинг кучайганлиги ва таълим тизими олдида қўйилган шу кунги талаблардан келиб чиққан ҳолда мақсадли фаоллаштиришни белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар ва услубий тавсияларнинг етарли даражада эмаслиги;

- мутолаа маданиятини ўқиш, ўқитиш ва англаш замонавий технологиялари, таълим субъектлари ҳамда мавжуд илмий-маърифий шарт-шароитлар билан уйғун жараён сифатида шакллантиришнинг кун тартибига зарур даражада чиққанлиги;

- мутолаа жараёнларига миллий ғоя доирасида ёшларни тарбиялашнинг муҳим бўғини сифатида қараб, уларни тизимий такомиллаштириш йўлларининг назарий асослаб берилмаганлиги.

Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантиришда маърифат алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, маърифат – маънавиятга олиб келадиган йўл, уни шакллантирувчи воситадир. Маърифат миллат тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” [2] деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи ҳам давлатимизни халқаро миқёсда нуфузини янада кўтарди.

Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган.

#### *Адабиётлар таҳлили ва методлар*

Китобхонлик, унинг афзалликлари, оилада мутолаа маданиятини таркиб топтириш масалалари улуғ мутафаккирларимиз Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг асарларида ёритилган. Хусусан, XX аср бошларида яшаб ижод этган маърифатпарвар зиёли Абдулла Авлоний, «..ёшлиқдан бошлаб зеҳн ва идрокимизни қувватландурмак учун азиз умримизни ўйин-кулги, сафсата, моляъни каби беҳуда сўзлар билан ўткармай, ҳар хил китоб, ғазита ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни қувватландурмак лозимдур» дейди [3].

Маълумки, замонавий илм-фанда мутолаа тушунчаси орқали нафақат китоб ёки бошқа нашр маҳсулотларини ўқиш жараёнини, шунингдек, турли

ахборот манбаларидан ахборотни ўзлаштириш жараёнлари ҳам англамоқда. Бу нуқтаи назардан олиб қараганда, ўзбек халқида мутолаага интилиш доимо юқори бўлиб келган дейиш мумкин. Чунки, аҳолининг саводхонлик даражаси анча паст бўлган даврларда ҳам, одамларнинг бир жойга тўпланиб, турли китобларни биргаликда ўқиш, ёддан шеърхонлик, ғазалхонлик ёки маснавийхонлик, дostonхонлик кечалари, баҳру-байт айтишувлари уюштириб турганликларини ўзига хос мутолаа жараёни дейиш мумкин. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олиниши натижасида халқимиз мансуб бўлган ижтимоий-сиёсий, кейинчалик ижтимоий-маданий макон кенгайиб кетди ва метрополиядаги маданий ўзгаришларнинг таъсири аста-секин Ўрта Осиёда ҳам сезила бошлади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, Россияда мутолаага қизиқиш ошганлиги кузатилади. Битта саводхон одам атрофида кўплаб кишилар тўпланиб, китобхонлик қилишлар, мустақил равишда ва сирtdан китоб ўқишни ўрганиш жараёнлари тезлашиб кетди. Бу жараёнга албатта рус маърифатпарварлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшган эдилар. Булар сирасига Л.Толстой, Н.Корф, Х.Алчевская, Н.А.Рубакин ва бошқаларни мисол қилиш мумкин,

Н.А.Рубакин, Н.М.Сикорский, О.С.Чубарьян, Ю.С.Зубов ва бошқаларнинг чор Россияси даврида, кейинчалик собиқ шўролар даврида китобхонларни ҳамда уларнинг таркибий тузилмасини ўрганган, бевосита китобхонлик жараёнларини таҳлил қилган, мутолаа маданиятининг вужудга келиши ва шаклланиши тамойиллари, матнни ўқиш ва ўзлаштириш самарадорлиги масалалари тадқиқига бағишланган ишлари юзага келди. [4]

Собиқ шўролар даврида бутун мамлакат миқёсида социологиянинг фан сифатида кам тараққий этганлиги натижасида, шунингдек миллий республикаларга паст назар билан қараш, мафкуравий тазйиқлар оқибатида мутолаа жараёнларини социологик ўрганиш ва китобхон психологияси, социологияси каби масалаларни кенг тадқиқ этиш амалга оширилмади.

Айни чоғда мамлакатимизда ва хорижда бир қанча илмий ишлар дунёга келдики, улар бизнинг мавзуимизга бевосита бўлмаса-да, билвосита боғлиқ. Айзенберг А.Я., Ванеев А., Карташов Н.С., Столяров Ю.Н., Қосимова О.Ғ., Йўлдошев Э.Ю., Охунжонов Э.О., Раҳимова М.А., Шамсиев Ш.М., Туропов М.М. ва бошқаларнинг кутубхонашунослик ва библиографияшунослик бўйича асарлари ўрганилаётган муаммонинг баъзи назарий ва амалий масалаларини ечишга интилингани билан аҳамиятлидир. Жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳолати ва аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришлар XXI аср бошларида мутолаанинг асосий вазифалари ҳам ўзгаришига, хусусан, уларнинг - ахборот бериш, ўргатиш ва рекреатив функцияларга айланишига олиб келди. Юз бераётган жараёнлар мутолаанинг функционал ўзгаришларини ижтимоий ҳодиса ва унинг келгуси тараққиёти муқобилларини башорати сифатида илмий мушоҳада қилишни талаб қилмоқда.

#### *Натижалар ва муҳокама*

Ёшларнинг дунёқараши ҳақида сўз борар экан, аввало, ҳозирги кунда айрим ёшлар ўртасида тафаккурнинг торлиги оқибатида жамиятда келиб чиқаётган иллатлар борасида айрим фикрларни санаб ўтсак:

1. Ёшлар ўртасида мобил алоқаларда асосий вақтини ўтказиш;
2. Китоб мутолаасига бефарқлик;
3. Шу сабаб мафкурамизга зид турли оқимлар таъсирига тушиб қолиш;
4. Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқиши.
5. Шу каби носоғлом хусусиятлар, охир-оқибат ёшларни аналаримизга зид бўлган дунёўараши шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда китоб мутолаасининг социологик масалалари биринчи бўлиб А.А.Умаровнинг илмий ишларида махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиб чиқилди. Б.И.Ғаниева эса, мутолаа маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятларини тадқиқ этди. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда китобхонлик муаммоси кам ўрганилган соҳалардан бири бўлиб, айниқса ўрта таълим муассасалари ўқувчи-ёшларининг мутолаа маданиятини шакллантириш масаласи яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ўзбек кутубхонашунос-олимларидан Э.Йўлдошевнинг болалар кутубхоналарида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш ҳамда ёш авлод вакилларида ўқиш маданиятини таркиб топтириш юзасидан чоп этилган илмий изланишлари алоҳида эътиборга моликдир [5].

Маълумки, мутолаа маданиятини шакллантириш турли йўللار билан амалга оширилади. Улардан бири болалар мутолаасини тўғри ташкил қилишдир. Болалар мутолаасига бағишланган махсус адабиётларда уларнинг турли кўринишлари берилади. Болалар мутолаасининг таниқли тадқиқотчиларидан бири В.А.Невский томонидан болалар ўқишини таснифлашдаги чалкашликларни бартараф этишга интилиш кузатилади. У болалар мутолаасининг куйидаги кўринишларни ажратади ва ҳар бирига алоҳида таъриф беради:

- оилавий мутолаа (афсусларки ҳозирда камёб бўлган);
- уйдаги мутолаа;
- синфдаги мутолаа;
- синфдан ташқари мутолаа.

Оилавий мутолаа - ота-оналарнинг болалари билан олиб борадиган маънавиятга доир суҳбатлари. Унинг энг яхши таъсир усули биргаликда бадиий адабиётларни ўқишдир [6].

«Бу бола учун асар муаллифи ва унинг дунёсидаги одамлар билан мулоқотга киришишнинг энг самарали йўли ҳисобланади.

Уйдаги мутолаа - бола учун ўзининг қизиқишларини қондириш, бўш вақтини ташкил қилиш усулидир. Унинг йўналганлиги ва интенсивлиги китоб ўқишга эҳтиёжнинг шакллантирилганлиги ҳамда мотивлашнинг тавсифига боғлиқ бўлади.

Синфдаги мутолаа - ўқув жараёнининг вазифаси бўлиб, болада матнни тушуниш орқали унинг мазмунини қабул қилиш ва ўзлаштириш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

Синфдан ташқари мутолаа - болада ўқув фаолияти натижаси, англаш ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилиш шаклидир.

Замонавий илмий адабиётлар болалар мутолаасининг туб моҳиятини ёритиш имконини беради. Болалар мутолаасининг барча йўналишлари: ахборот-англаш; мазмуний; ахборот; ҳиссий-ижодий; тадбиркорлик -ўсмирлар мутолаа маданиятини шакллантиришда ҳам аҳамиятга эга.

Мутолаа жараёнида ўсмир матннинг мазмунини идрок этиши, уни тўғри ўқиши, англаши, таҳлил қилиши, матндаги ахборотни қайта ишлаши, улкан ахборот манбаидан ўзига керакли маълумотни ажратиб олиши, ўз фаолияти натижаларини аниқ ва ишонарли тарзда баён қила олиши лозим. Булардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мутолаа шахс маданиятини шакллантиришнинг педагогик воситасидир.

Замонавий дунё ўсмирга кенг танлов имкониятини бермоқда ва ундан ўзини доимий равишда ривожлантириб боришини талаб қилмоқда. Ушбу жараёнда ўсмирга кўмаклашиш бугунги ўқув муассасалари билан бирга ахборот-ресурс марказларининг ҳам асосий вазифасидир. Ахборот-ресурс марказларининг моддий ва маънавий ресурслари ўсмирларнинг ўзгаришлар даврига ижтимоий ва маданий мослашишларида кўмаклашиши лозим. Китоб тўпламлари давр ва ҳодисаларни боғловчи, миллий ва умуминсоний кадриятлар билан таништирувчи вазифасини ўташи мумкин» [7].

Ахборот-ресурс марказининг маънавий муҳити ўсмир учун ўзининг тажрибаси ва интилишлари асосида маданиятни англаши, ҳис қилиши орқали дунё билан мулоқотга киришиши учун қулай муҳитдир. Агар ўқитувчи ёки кутубхоначи ўсмирга унинг истиқболи ўзига боғлиқ эканини ҳис қилишга кўмаклашса, ушбу йўналишда интилишни ривожлантириш лозимлигини кўрсатиб берса, ўсмирнинг лицей-коллеждаги ёки ахборот-ресурс марказидаги фаолиятини ўз-ўзини намоён қилишнинг психологик амалиёти дейиш мумкин. Айнан ушбу жараёнда у муваффақиятларга эришиши, тенгдошлари ва катта ёшлилар ўртасида ўз ўрнини топа олиши мумкин.

#### *Хулоса*

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар дунёқарашларини ва мутолаа маданиятини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган – матн мазмунининг ўзлаштирилишига салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф этиш лозим. Бу ёшларимизга матнни ўзлаштиришни осонлаштириб, уларнинг билимлар уммонида эркинроқ сузишларига кўмаклашади. Китоб ўқиш барчамизнинг маънавий бойлигимизни юксалтиради, сўзлашув маданиятимизни оширади. Айрим ҳолларда муқаддас ўзбек тилимиздаги айрим ватандошларимиз “хизмати” туфайли дағаллашиб, камбағаллашиб бораётганлигининг олдини олиш учун ҳам китоб ўқиш лозим. Ваҳоланки, бизнинг ўзбек тилимиз дунёдаги энг бой тиллар қаторига киради. «А.С.Пушкин бутун ижоди давомида жами 21197 та сўз қўллаган бўлса, Шекспир асарлари тилида жами 20 мингдан ортиқ сўз қўлланилган. Испан олимлари Сервантеснинг ижодида 18 минг сўз қўлланилгани ҳақида маълумот берганлар. *Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларида қўлланилган сўзлар сони эса 26000дан ортиқ экан*» [8].

*Биз ёшларимизни авайлаб-асраш учун ҳам мутолаа масалалари билан жиддий шуғулланишимиз лозим. Ижтимоий-маданий муҳит ҳамда аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришлар XX аср охирида XXI аср бошларида мутолаанинг асосий вазифаларининг ҳам ўзгаришига, уларнинг: ахборот бериш, ўргатиш ва рекреатив функцияларга айланишига олиб келди. Шу боисдан, мутолаа жараёнларини янгича ёндашувлар, хусусан социологияда кенг тараққий этган тизимли ёндашув асосида ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.*

**ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.**

1. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б.89.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 20 сентябрь.
3. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ -Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Раджабов С. К истории советской школы в Узбекистане. -Тошкент: 1957;
4. Сикорский Н.М. Книга и наука о книге. В сб. «Книга. Исследования и материалы1». Сб№11, -М.: 1965; Рубакин Н.А. Этюд1 о русской читающей публике. Н.А.Рубакин. Избранное. Т. I, -М.: «Книга», 1975; Рубакин Н.А. Практика самообразования. Н.А.Рубакин. Избранное. Т. II, М.: «Книга», 1975; Чубарьян О. С, Общее библиотековедение, 3 изд., -М.: 1976;
5. Йўлдошев Э. Болалар китобхонлигини ўрганишнинг форма ва методлари. - Тошкент: 1986; Йўлдошев Э.Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш. -Тошкент: 1983; Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш. Ўқув кўлланма. -Тошкент: 1986, - Б.48.
6. Невский, В.А. Классификация психологической литературы в библиотеке / В.А. Невский // Предмет и метод! современной психологии / Под ред. Л.С.Внготского. -М.: 1929. - С. 21-24.
7. А.Абдулазизов. «Академик лицей ва касб-хунар коллежларида мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнининг социологик таҳлили».Номзодлик дисс.Тошкент.2011.
8. Қодиров П. Тил ва эл.-Тошкент, 2010-127 бет